ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ГЎШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИХТИСОСЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ешмуратова Гоззал Юсуповна
СамДВМЧБУ НФ мустақил изланувчи
телефон:+998977878955
e-mail: Gozzal422019@gmail.com

Аннотация. *Мақолада гўштдор қорамолчиликни ривожлантириш борасида дунё амалиёти, бу борада илғор мамлакатлар тажрибаси таҳлил этилиб, гўшт ишлаб чиқаришни самарадор ташкил этиш учун ихтисослашувнинг аҳамияти ва шунга боғлиқ ҳолда Қорақалпоғистон шароитида гўштдор қорамолчиликни ривожлантиришда табиий-иқлим, ташкилий-иқтисодий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда юқори ирсий имкониятларга эга гўштдор зотлардан унумли фойдаланиш масалаларига батафсил тўхталиб ўтилган. Бунда, дунё миқёсида кенг қўлланилаётган ангус зоти ва унинг хўжалик-фойдали хусусиятлари ҳам баён этилган. Шу билан бирга, хулосаа сифатида бугунги кунда дунё миқёсида алоҳида эътиборга эга бўлган ангус зотидан фойдаланиш тавися этилган.*

Калит сўзлар: *гўштдор қорамолчилик, ихтисослашиш, зот, ангус, гўшт, тирик вазн, сўйим-чиқим.*

Аннотация. *В статье анализируется мировая практика развития мясного скотоводства, опыт передовых стран, подробно рассматрены значение специализации для эффективной организации производства мяса, выбор для эффективного использования мясных пород с высоким генетическим потенциалом в развитии мясного скотоводства в условиях Каракалпакстана с учетом природно-климатических, организационно-экономических и других факторов. Также, описывается порода ангус, получившая широкое распространение во всем мире, и ее хозяйственно-полезные свойства. В заключение рекомендуется использование породы ангус, которой в настоящее время уделяется особое внимание во всем мире.*

Ключевые слова: *мясное скотоводство, специализация, порода, ангус, мясо, живая масса, убойный выход.*

Abstract. *The article analyzes the world practice of beef cattle breeding development, the experience of advanced countries, considers in detail the importance of specialization for the effective organization of meat production, the choice for the effective use of meat breeds with high genetic potential in the development of beef cattle breeding in the conditions of Karakalpakstan, taking into account natural and climatic,*

organizational and economic and other factors. Also, the Angus breed, which has become widespread throughout the world, and its economically useful properties are described. In conclusion, the use of the Angus breed, which is currently receiving special attention throughout the world, is recommended.

Keywords: *beef cattle breeding, specialization, breed, Angus, meat, live weight, slaughter yield.*

Кириш.

Айни вақтда дунё миқёсида гўштдор қорамолчилик замонавий технологиялар ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда кескин ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Мазкур талаблар асосан иқтисодий самарадорликни ошириш ва тармоқнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган. Сўнгги ўн йиллар давомида дунё аҳолисининг сони ортиб боришига боғлиқ ҳолда гўшт ишлаб чиқариш йил сайин ошиб келган ҳолда ҳозирда ҳар йили қарийиб 70,0 млн тонна гўшт ишлаб чиқарилмоқда. Дунёдаги энг йирик мол гўшти ишлаб чиқарувчилари Америка Қўшма Штатлари, Бразилия, Хитой, Аргентина, Австралия мамлакатлари бўлиб қолмоқда ва улар биргаликда бутун дунёда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг 50% дан кўпроғини ишлаб чиқармоқда [13].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қорамол гўштига бўлган талабни ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни йўлга қўймай қондиришни иложи йўқ. Европа, Австралия, Шимолий ва Жанубий Американинг чорвачилик ривожланган мамлакатларида гўштдор қорамолларнинг умумий чорва моллари сонидаги улуши 40 дан 85% гача миқдорни ташкил этади [18], [12;136-b].

Ҳамдўстлик давлатлари доирасида қорамолчилик ривожланган Россия Федерацияси, Беларусь, Украина давлатларида бу кўрсаткчич мос равишда 32,34 ва 28 % ни ташкил этса, Ўзбекистонда тахминан 10 % ни ташкил этади халос. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жойиз-ки, Ҳамдўстлик давлатларининг юқорида кўрсатилган учалла мамлакатида гўштдор қорамоллар ичида ангус зоти етакчилик қилади [8;10-12-b].

Чунки, Ўзбекистонда қорамол гўшти ишлаб чиқариш асосан сут ва аралаш зотли қорамолларни сотишга асосланган бўлиб, юқори гўшт маҳсулдорлиги билан машҳур қорамол зотларини Ўзбекистонга келтириш, иқлимлаштириш ва урчитиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо, республикамизнинг турли ҳудудлари нафақат табиий-иқлим шароитлари, балки, иқтисодий-ташкилий ҳолати, озуқа, ишчи кучи ва бошқа кўплаб ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари билан ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади [11], [19;33-34-b].

Шу сабабли, Республикамизда аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда янги инновацион технологиялар яратиш ва амалиётга жорий етиш

борасида бир қатор муҳим чора-тадбирлар, шу жумладан-“...чорва моллари бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш1 каби вазифалар белгиланган. Айниқса, экологик ва иқтисодий нуқтаи назардан алоҳида хусусиятларга эга Қорақалпоғистон республикасида гўштдор зотларни урчитиш алоҳида ёндошув, илмий-амалий тадқиқот тадбирлар белгилаш зарурияти мавжуд [10],[7].

Қорақалпоғистон Республикасининг умумий ер майдони 166,59 минг.кв.км.ни ташкил этиб, асосий экин майдонлари асосан Амударё дельтасида, қолган қисмида эса суғориладиган майдонлари кам, арид ҳудудлардир. Суғориладиган ер майдони 510,4 минг га ёки умумий ер майдонининг 3,1 фоизинигина ташкил этади. Бундан ташқари, сўнгги йилларда ушбу суғориладиган ерларнинг 45,3 фоизини ёки 230-235 минг гектарни ташкил этмоқда халос. Бу ҳолат нафақат деҳқончилик, балки, ем-хашак етиштириш учун ҳам муаммоли вазият мавжудлигини кўрсатади [17;1-19-b].

Шу билан биргаликда, Қорақалпоғистон Республикасида қадимдан чорвачилик ривожланган бўлиб, бунга асосан ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари ва маҳаллий аҳолининг тарихан шаклланиб келган бой тажрибаси асос бўлган. Бу ҳудуддаги энг муҳим ва ривожланган чорвачилик йўналиши яйлов чорвачилиги бўлиб, бунга ем-хашак етиштириш учун зарур бўлган сув танқислиги, ерларнинг ҳосилдорлиги пастлиги, яйлов чорвачилигига ихтисослашувни белгилайди [5;41-b].

Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланилаётган ер фондининг 90,9 фоизни ёки 5175,5 минг гектарини яйловлар ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керак-ки, Республикада ишлаб чиқарилган гўштнинг қарийиб 17 % ини қўй ва эчкилар, қолган 1-2 % ини бошқа ҳайвонлар гўшти ташкил этган ҳолда 80% и қорамолчиликда ишлаб чиқарилади [9;20-b], [3;208-b], [20;66-b].

Қорақалпоғистон Республикасининг кўп туманлари географик жойлашуви, табиий-иқлим, экологик жиҳатдан депрессив ҳудудлар ҳисобланади. Шу сабабли, минтақадаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик кўп жиҳатдан барча аҳоли қатламларининг турмуш даражаси ва биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ. Озиқ-овқат маҳсулотлари қаторида эса гўшт маҳсулотлари муҳим ўрин тутади. Қолаверса, ушбу ҳудуддаги аҳолининг тарихан шаклланган маиший чорвадорлик турмуш тарзи, гастрономик маданиятида гўшт маҳсулотларининг ўрни нисбатан юқори. Шу сабабли, минтақавий ривожланишнинг асосий тамойиллардан бири озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, гўшт маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “O‘zbekiston Respublikasini 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF 60-sonli Farmoni.

тамойили ҳисобланади. Ушбу тамойилни амалга ошириш нафақат ижтимоий, балки, иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади-ки, бунда ҳудуд ўз-ўзини гўшт маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, мавжуд чўл ресурсларидан унумли фойдаланиш имкониятларини яратади. Ушбу ижобий омил таъсирида қорамоллар мустақиллик йилларидаги 373,2 минг бошдан 1280,2 минг бошга қарийб 3,5 мартага кўпайишига сабаб бўлди. Аммо, бунда самарадорликни ошириш учун табиий мавжуд ва янгидан яратиладиган шарт-шароитлар ва омилларни уйғунлаштириш, яъни, ички тармоқ ихтисослашувини ташкил этишини тақазо этади. Айтилганидек, Қорақалпоғистонннинг табиий-иқлим шароити чорвачиликни ривожлантиришга қулай бўлиб, Устюрт текислиги, Қизилқум чўллари ва Орол дельтаси чорвачилик, айниқса, яйлов чорвачилигини ривожлантиришга мос. Шу сабабли, маҳаллий аҳоли қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келган ва бу бора маҳаллий аҳоли бандлигини ва даромадларини оширишда муҳим бўлган тарихий тажрибалар ҳам мавжуд. Аммо, чорва моллар бош сонининг сўнгги йиллардаги ўсиши фақат бош сонига боғлиқ экстенсив ривожланиш бўлиб, қорамолларнинг маҳсулдорлик сифати ёки озуқа шароитининг яхшиланиши билан боғлиқ эмас, ваҳоланки, чорвачилик самарадорлигини бир–бирини ўрнини боса олмайдиган, аммо, бир-бирини кучайтирувчи икки асосий омилга: озиқлантириш ва маҳсулдорлик, яъни, ирсиятга боғлиқ.

Бутун Ўзбекистон Респуюбликасидаги каби Қорақалпоғистонда ҳам қорамоллар бош сонининг қарийиб 90 %дан ортиғи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлар қарамоғида парваришланади ва уларнинг ирсий жиҳатдан сифати паст. Шу билан биргаликда, суғориладиган майдонлар кам бўлган ҳолда, катта майдонларда яйлов ерлари мавжуд, бўлиб, бу ҳудудлар қайта ишлаш, энергетика, сув таъминоти, майиший ва бошқа инфраструктуралардан олисда жойлашганлиги сут қорамолчилигини ривожлантириш муаммоли масала. Аммо, бино, иншоат, техник воситалар, ишчи кучи ва бошқа шарт-шароитлар камроқ талаб этиладиган яйлов хўжалигига асосланган гўшт йўналишидаги қорамолчиликни ривожлантиришга қулай. Бунда, асосан, озуқанинг асосий қисми яйловдан олиниши, чорва моллари енгил конструкцияли биноларда ва яйловда сақланиши, сигирларнинг сути соғиб олинмай бузоқларга эмизилиши сабабли ташкилий ишлаб-чиқариш харажатлари камроқ сарфланади [15;51-144-b.].

Қорақалпоғистон шароитида абердин ангус молларини боқиш, иқлимлаштириш ишлари ўтган асрда ҳам олиб борилган бўлсада, уларни турғун технологияларда парваришлаш натижалари етарли тадқиқ этилмаган [1;60-62-b], [4;26-30-b.], [6;3-19-b.] [21;28-31-b.]

Қорамол гўшти ишлаб чиқариш технологияларини саноат асосида ташкил қилишнинг таборо кенг ёйилиши, ўзининг авзалликлари билан бир қаторда қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бунинг учун биринчи навбатда, генетик жиҳатдан шундай жадал парваришлаш шароитига (ҳаракат чекланиши, бир бинода кўп бош сони тўпланиши, ўзига хос озиқлантириш даражаси в.х.к) мос зотларни танлаш лозим. Чунки, турли зотга мансуб моллар турли иммун тизими ва турли мосланувчанлик имкониятларига эга бўлади.

Бундан ташқари, саноат асосаида парваришлаш тарнспорт, техно-этологик, экологик характердаги стрессларни келтириб чиқариб, улар ўз навбатида соғлигши ва маҳсулдорлигига таъсир қилади.

Айни вақтга қадар Республдикамиза турли зотларга мансуб қорамоллар келтирилаётган бўлсада, ушбу зотларнинг ўзига хос иқлим шароитига эга бўлган Қорақалпоғистон шароитида ўзининг ирсий имкониятлари билан, бино ва майдончаларда гўшт учун парваришлаш ва бўрдоқилаш учун мослиги етарли даражада тадқиқ этилиб, илмий асосланган тавсиялар берилмаган.

Шундай зотлардан бири ангус зоти бўлиб, бу зот ўзининг юқори кўрсаткичлари билан энг кўп фойдаланилаётган зотлар сирасига киради. Аммо, уларни Қорақалпоғистон шароитида ва турли парваришлаш усулларида гўшт маҳсулдорлигининг миқдорий, сифат ва иқтисодий кўрсаткичларини ўшрганиб, энг самарали усулда парваришлаш давр талабидир.

Ўзбекистоннинг, шу жумладан Қорақалпоғистоннинг дашт-чўл ҳудудларида урчитиш учун дунёда машҳур хорижий гўштдор моллар ичида Абердин-ангус ва Санта-гертруда зотли молларга қизиқиш ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ бошланган [14;35-48-b].

Чунки, ушбу зотларга мансуб қорамоллар ёзда иссиқ қишда эса анчагина совуқ бўладиган иқлим шароитига яхши мослашади. Улардан соф зотли популяциялар яратишда ҳам, наслдор буқаларидан фойдаланиб сут ва қўшмаҳсулдор зотлар ҳамда маҳаллий моллар билан чатиштириб, юқори гўштдорлик сифатларига эга авлодлар олиш мумкин.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг энг яхши генофондидан фойдаланмай поданинг ирсий сифатини нафақат кўтариш,балки, сақлаб туриш ҳам қийин. Чунки, иқлим шароити гўштдор қорамолчиликка мос бўлган хорижий давлатларда тарихан шаклланган зотлар бунга унчалик қулай бўлмаган мамлакатлардаги мавжуд моллардан жуда ҳам катта авзалликларга эга бўлиб, юқори маҳсулдорлик ва экстеръери билан ажралиб туради.

Ўзбекистонга бу зотга мансуб буқалар 1955-1957 йиллардан бошлаб, Волгоград вилоятининг “Париж коммунаси” хўжалигидан олиб келинган. Улар Қоракалпоғистоннинг Қўнғирот туманидаги собиқ Ильич номли хўжалигида, Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги “Бойсун” давлат хўжалигида,

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманининг Усмон Юсупов номли хўжалигида хамда Жиззах вилояти Бахмал туманининг “Бахмал” хўжаликларида маҳаллий зебусимон ҳамда Қоракалпоғистондаги турли зотларга мансуб молларини чатиштиришда фойдаланилган.

Ўзбекистонда ангус зотли моллар устида биринчи бўлиб И.Хидиров, У.Носиров ва уларнинг шогирдлари илмий ишлар олиб боришган. Бу зот гўштдор корамоллар ичида ўзининг тез етилувчанлигини (урғочи таналари 14-15 ойлигида уруғлантирилади,буқачалари 6 ойлик ёшидаёқ 180 кг, сутдан ажартиш вақтида эса 200-230 кг тош босади), гўштнинг сифати, гўшт толаларининг ингичкалиги, майинлиги, мазалиги ва тўйимлилиги билан алоҳида ажралиб туради. [16;26-b].

Ҳозирги вақтда марамарсимон гўшт берувчи қорамол зотлари гўшт бозорида шуда қадрли бўлиб, дунёда бундай гўшт маҳсулотининг қарийиб 80 % и абердин-ангус зотига тўғри келади ва бундай маҳсулотга Ўзбекистон бозорида айниқса талаб юқори [2].

Абердин-ангус зотининг авзалликлари:

- Тўқол (шохсиз)лик ва қора ранг — доминант белги бўлиб, чатиштирилганда қарийиб 100% ҳолатда авлоддан-авлодга ўтади.
- Мураккаб иқлим шароитига осон иқлимлашади, яъни, мослашади.
- Узоқ яшайди, ўртача умри 28-30 йил.
- Пуштдорлиги юқори бўлиб, репродуктив хусусиятларини умри давомида сақлаб қолади. Бузоқлари жуда яшовчан бўлиб, иммунитететининг юқорилиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради.Сигирлари осон бузоқлайди ва бузоқлари туғилишда кичик бўлиб, кейинчалик тез ўсиб кетади.
- Ёш моллари тез етилувчан бўлиб, урғочи таналарини 14-15 ойида уруғлантириш, эркак таналарини эса 18 ойлигида юқори маҳсулдорлик кўрсаткичларида гўштга сўйиш мумкин.
- Гўшт маҳсулдорлиги юқори. Гўшти таъми ва мармарсимон кўриниши билан юқори сифатга эга. Сўйим чиқими 60% атрофида бўлади.

Сигирларининг оналик инстинкти яхши ривожланган бўлиб, бузоғи билан бўлиши иккаласига ҳам яхши таъсир кўрсатади. Бузоқларининг онасини эмиши 8 ой давом этиб, бу пайтда уларнинг кунлик ўсиши 800-9000 гр.ни ташкил этади. Бир лактация давомида она моллар 1600-2000 кг сут маҳсулдорлигига эга бўлади.Бу 8 ой давомида бузоқлари 200 га ошиқ тирик вазнга етишади.

Сутдан ажратиш вақтида бузоқлар диета ҳолатида сақланиб, фақат секин-аста концентрат озуқалар қўшиб, кўпайтирилиб бориладиган пичан билан озиқлантирилади. Умуман олганда, ангус зотли ёш моллар аждодлари ишчи моллар бўлганлиги сабабли чидамли бўлади, онасини эркин эмиб катта бўлганлиги учун иммунитети янада юқори бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу зотга мансуб молларни урчитиш самарадорлиги юқори эканлиги жаҳон тажрибасида ўз тасдиғини топган ва уларни Қорақалпоғистон шароитида, турли усулларда сақлаб парваришлаш самарадорлигини аниқлаш мамлкатамиз доирасида ҳудудий долзарб масала деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Абдурашитов А.А. Мясные качества молодняка крупного рогатого скота, разводимого в Узбекистане. Дис к.-х.н. - Ташкент, 1962.
2. https://baibolsyn.kz/ru/zhivotnye/aberdin-angusskaya-aberdeen-angus/
3. Turdimambetov I.R., Joldasov A.S. Development of Large-Horned Cattle Breeding in the Republic of Karakalpakstan and its Territorial Characteristics. - Eurasian Journal of History, Geography and Economics. Volume 18, March 2023.
4. Абдурашитов А.А., Нам Н.С., Эргашев Д.М. Мясная продуктивность молодняка молочного скота, откормленного до большого веса. Животноводство, 1975, № 12, с. 60-62
5. Аральское море и Приаралье/Опубликовано в 2020г. Организацией О наций по вопросам образования, науки и культуры/ UNESKO 2020/ Ташкент.P-41.
6. Байтурсунов Т.Б. Сравнительное изучение мясной продуктивности помесного молодняка первого поколения, полученного от скрещивания местного зебувидного скота Узбекистана с заводскими породами. Автореф. канд. дис. - Ташкент: 1969.
7. Бекбулатова Г.А., Отеулиев М.О., Тажибаева Л.Р.,/ Размещение и развитие сельскохозяйственных отраслей республики Каракалпакстан/ https://cyberleninka.ru/article/n/razmeschenie-i-razvitie-selskohozyaystvennyh-otrasley-respubliki-karakalpakstan/.
8. Дюльдина А.В., Рост и мясная продуктивность бычков абердин -ангусской породы североамериканской и австралийской селекции/Дисс.на кан.с-.н. п./ ФГБНУ «Всероссийский научно-исследовательский институт племенного дела», Лесные Поляны, Московская область, 2017 г. С.10-12.
9. Жолдасов А.С. Пастбищное животноводство Республики Каракалпакстан и особенности его развития / "Экономика и социум" №3(106)-20/ 2023 /
10. Жолдасов А.С., Пастбищное животноводство Республики Каракалпакстан и особенности его развития/ https://cyberleninka.ru/article/n/pastbischnoe-zhivotnovodstvo-respubliki-karakalpakstan-i-osobennosti-ego-razvitiya.
11. Климатический контекст стратегических решений/Экономическое обозрение №4 (232) 2019 https://review.uz/journals/view/4-232-2019.
12. Королькова А.П. Инструменты и механизмы государственной поддержки развития мясного скотоводства. М., 2016. 136 с.

13. Мастер план развития отрасли мясного скотоводства в Республике Казахстан до 2020 года/ https://faolex.fao.org/docs/pdf/kaz199540.pdf.
14. Насыров У.Н. Повышение мясной продуктивности крупного рогатого скота. Сельское хозяйство Узбекистана, 1970, № 3. Насыров У.Н. Мясное скотоводство (на узбекском языке).- Ташкент: Изд. Узбекистан, 1971.
15. Насыров У.Н., Хабибуллин К.Х., Садыков А.В. Резервы производства говядины в Узбекистане // Зоотехния. -1991. № 6. - С. 51 - 144.
16. Насыров У.Н., Хидиров И.Х., Каххаров И. Морфологический и химический состав туш бычков помесей 1 и 2 поколений абердин-ангусской порода и местного зебувидного молодняка. / Тр. УзНИИЖ, вып. 19, 1974.
17. Нурымбетов Т.У., Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишлари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)/ автореф.и.ф.ф.д.(PhD) диссертацияси/Тошкент 2019 й.
18. Соколова А.П., Литвиненко Г.Н., Исаева А.А., Устян С.А.,/ Основные тенденции и перспективы развития мясного скотоводства в РФ/ Электронный научный журнал КубГАУ/2016/ https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-tendentsii-i-perspektivy-razvitiya-myasnogo-skotovodstva-v-rf.
19. Тавилдарова Т.Ф. Вопросы акклиматизации крупного рогатого скота в Узбекистане // Вестник животноводства. 1948. - Вып. 4. - С. 33-34.
20. Умаров Е. Экономическая и социальная география Каракалпакстана. Нукус - 2011. (на каракалпакском языке).
21. Хидиров И., Научные обоснования и практические предложения увеличения производства говядины и улучшения её качества в специфических условиях Узбекистана/дисс.д.н.с/х., Ташкент 1984. b-28-31